



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

2018 йил “ 8 ” июнь

№ 512

Тошкент ш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарори
ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

БҲЮРАМАН:

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш чоралари кўрилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарорининг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш бош бошқармаси (С.Ниязбеков), олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига: